



БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ДАРАЖАСИ?

Матякубов Нодир Бобомурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
314-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-april 2023 yil

Ma'qullandi: 28-april 2023 yil

Nashr qilindi: 30-april 2023 yil

KEY WORDS

ҳуқуқий тарғибот, қонунчилик
нормалари, қонунга тўлиқ мос
ҳолда ҳаракат қилиш,
тарғибот механизми,
долзарблик.

ABSTRACT

Мамлакатимизда мустақиллик даврида ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бора олмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти

Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда. Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади – учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба», деб билдирган фикрлари оддий ҳақиқат. Бу фикрлар тарғибот ва ташвиқот масалаларининг нечоғлик долзарб аҳамият касб этишини англатади. Мазкур долзарбликни қонун ҳужжатлари билан айрим субъектлар зиммасига аҳоли ўртасида кенг доирада ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш вазифаси юклатилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Баъзи бир манбаларда келтирилишича, ҳуқуқий тарғибот ўз мазмун-моҳиятига кўра шундай таъсир чоралар тизимидирки, у орқали жамиятда юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражасига эришилади. Ундан кўзланган мақсад эса фуқароларга зарур ҳуқуқий билимларни бериш ва уларда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантиришдан иборатдир. Шу билан бирга ҳуқуқий тарғибот ўз моҳиятига кўра турли вазифаларни амалга ошириб, энг аввало, у жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларда зарур восита сифатида майдонга чиқади. Масалала бундай ёндашиш ҳуқуқий тарғиботнинг қуйидаги вазифаларни бажаришини мақсад сифатида белгилаб беради:

- а) мавжуд қонунчилик нормалари ва уларда белгиланган ҳуқуқий мазмунни тўғри ва аниқ англаш;
- б) ҳуқуққа нисбатан чуқур ички ишончни шакллантириш;

в) ҳуқуқий билимларни мустақил тарзда амалиётда қўллаш қобилиятини шакллантириш;

г) қонунга тўлиқ мос ҳолда ҳаракат қилишни шакллантириш;

д) ҳуқуқ нормаларининг бузилишига нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш.

Ҳуқуқшунос олим И.Тулътеев эса юқоридаги амалларни ягона механизмнинг таркибий элементлари деб қараб, ҳуқуқий тарғиботнинг қуйидаги умумлаштирилган икки вазифасини ифодалайди:

«Биринчиси тарғиботланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникма ва малаканинг берилиши.

Иккинчиси – тарғиботланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодни шакллантириш».

Ҳуқуқий тарғиботни серқирра, мураккаб ва мунтазам амалга оширилувчи тарғибий (мафкуравий, ғоявий таъсир этиш) жараён сифатида таърифлашни ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу жараённинг мақсади аҳолига (тегишли гуруҳларга) ҳуқуқий билимларни, ҳуқуқий ахборотни мақсадли ва тизимли бериб (сингдириб) бориш асосида жамият аъзоларида юксак ҳуқуқий онг, савия, билимлар кўлами ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқий тарғибот инсонларга муайян ҳуқуқий билимлар ва қадриятларни етказиш, ҳуқуқий талабларни уларнинг шахсий эътиқоди ва ҳуқ-атворининг ички мезонига айлантириш учун ҳуқуқий тарғиботнинг алоҳида услубий йўналишлари зарур.

Ҳуқуқий тарғибот механизмига аввало, мазкур тарбиявий жараённи рўёбга чиқарувчи ташкилотчилар, уни ташкил этишнинг шакллари ва аниқ воситалари киради. Аҳоли билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар турли шаклларда хилма-хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳуқуқий тарғибот механизмнинг иккинчи элементи – ҳуқуқий тарғиботвий ишларнинг усуллари (методлари) ва йўллари.

Адабиётлар:

1. Huquqiy yetuklik - barkamollikka eltadi." O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi.-T.: Adolat 2011, 7-b
2. Islomov.Z.M.Davlat va huquq nazariyasi.-T.: Adolat, 2007.-537-b "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020 ISSN 2181-063X 413 <http://oac.dsmi-qf.uz>
3. Ю.А.Дмитриев.Правосознание и правовая культура / Теория государства и права.Под.ред.Пиголкина. – Москва:Юрайт – Издат, 2006.- С. 547
4. U.Tajixanov, A.Saidov. Huquqiy madaniyat nazariyasi 1-tom.- Toshkent. 1998, 11-b
5. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi 29.08.1997-yil 466-I son qarori bilan tasdiqlangan.Nrm.uz